

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• **Ахборот**

ИШДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛСИН

31 март куни Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда иккита масала муҳокама этилди. Биринчи масала - Ўзбекистон транспорт прокуратурасининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустоҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши қурш фаолиятини ялли текшириш натижалари ҳақида Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Б.Усмонов ахборот берди.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон транспорт прокуратураси идоралари сўнгги икки ярим йилда муайян ишларни амалга оширганликларига қарамай, қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қуршдаги тадбирлар тўлиқ натижа бермаган. Транспортда қонунбузарликларнинг олдини олиш, ўзаро тўлов интизомини мустоҳкамлаш, ҳаракат ва учуш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Республика транспорт прокурори Қ.Қирғизалиев ўз изоҳномасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди.

Кун тартибидagi иккинчи масала - Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш ҳамда Коммунал хўжалик вазирликлари тизимида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ўзаро тўловлар тўғрисидаги қонунлар ижросини текшириш натижалари ҳақида Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи Ҳ.Махмудов ахборот берди.

Аниқланишича, мазкур йўналишдаги қонунлар ва бошка меъёрий ҳужжатлар ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганига қарамадан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратура идоралари томонидан Энергетика ва электрлаштириш ҳамда Коммунал хўжалик қўрсатиш вазирликлари тизимида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўзаро тўловлар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунлар ижросини режа асосида ўрганиш юзасидан ўтган йили амалга оширилган ишлар талабга жавоб бермайд.

Ҳайъат йиғилиши аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади.

- Энди бошқоча усуллар билан ишлашга тўғри келади, - деди Республика бош прокурори, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмонов Худойқулов. - Камчиликларни бартараф этиш учун жуда чиройли тадбирлар белгилаймиз. Бироқ кўпинча уларнинг ижросини текшириб кўрмаймиз. Шунинг учун кун тартибидagi мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар жойларда, айниқса, номлари кўрсатиб ўтилган прокуратура идораларида қандай бажорилаётгани ҳақида ярим йиллик ва йиллик яқунларида албатта тўшунтиришлар талаб қиламиз. Ишда изчилик бўлиши учун ҳамма чорани кўраемиз.

Республика прокуратурасининг ҳайъат мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиди.

7 АПРЕЛ - БУТУН ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1999 йил - «Бутун Жаҳон қариялар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти жорий йилнинг 7 апрел - Бутун Жаҳон Саломатлик кунини кекса ёшдаги қарияларнинг фаол ҳаёт кечириш муаммоларига бағишланган тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

Шу мақсадда Республика Саломатлик маркази ушбу санга бағишлаб қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали қария-

ларнинг фаол ҳаёт кечириши, улар ўртасида касаллик ва ногиронликнинг олдини олиш мавзуларида етакчи мутахассислар чиқишлари, Республикада тиббий муассасаларида «Очқич кун» ташкил этилади.

Ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож бемор қариялар ҳолидан хабар олиш ва керакли тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди. Бу борода Вилоят Саломатлик марказларида, Соғлиқни Сақлаш бошқармаларида, тиббиёт муассасаларида ҳам қатор ташвиқот ишлари олиб борилаяпти.

Республика саломатлик Маркази.

• **Тадбир**

Ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамиятини қарор топтириш соҳасидаги муаммо - малакали ҳуқуқшунос кадрлар танқислиги сезилиб қолаётган бир вақтда ҳуқуқимиз бўлажак юристлар тарбиясига, уларни жаҳон андозалари даражасида тарбиялашга бутун эътиборни қаратмоқда.

Шундай мақсадга қаратилган тадбирлардан бири яқинда ТошДЮИнинг «Суд-прокурорлик» факультети талабалари

уларнинг ўзаро узвийлиги, давлат сиёсатида прокурорнинг роли сингари мавзулар доирасида бўлиб ўтди. Сўхбатда М. Ражабова мазруза қилиб, жумладан шундай деди: - Бугун эски онг, эски фикр



Суратда: Учрашувдан лавҳа.

ИШОНЧ ВА ТАЛАБ

иштирокида бўлиб ўтди. Унда Республика Прокуратурасининг прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори муовини М.Ражабова, ТошДЮИ маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Д.Ахмедов, суд-прокурорлик факультети декани муовини О.Зокирова ва «Жиноят жараёни» кафедраси мудири З.Иномова қатнашди. Сўхбат мустақил давлатимиз сиёсати тарихи, мустақиллик сиёсати тамойиллари, прокурор, халқ ва жамият,

билан ишлаб, қолаверса яшоб ҳам бўлмайди. Шундай экан, энди юрист деганда илгаригидек нуқул қонунлару кодексларни ёдлаб олган шахс тушунилмаслиги керак. Бугунги кун юристи қонунлар моҳиятини англаб етган, халққа уларни тушунтира оладиган воиз ҳам бўлиши лозим. Шунингдек, у ҳам сиёсатчи, ҳам иқтисодчи, ҳам маънавий-маданий, илмий жиҳатдан етук шахс ҳамда баркамол ахлоқ кишиси бўлиши керак... М.Ражабова давлатимиз сиёсатининг моҳияти

хусусида ҳамда республикамиз Прокуратураси ва чет эл, жумладан, Швеция прокуратурасининг ўхшаш, фарқлини жиҳатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг ўзаро савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ўзаро савол-жавоблардан шуни аниқлаш мумкин эдики, бугуннинг одоми кечаги кун одамидан, бугунги талаба олдинги талабадан тўшдан фарқ қилиши керак. Ҳаёт шуни тақозо этмоқда.

Ш.ҒАНИЕВ.

Ушбу сонда

МАОШИНГИЗНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛАЯПСИЗМИ?

Ойлик иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётган ишчи-хизматчилар ҳақида ким қайғуриши керак. Нима учун бу масала билан ҳам прокуратура шуғулланиши лозим. Раҳбарлар қайёққа қарашаяпти?

4-б.

ТУШОВЛАНГАН РАҚОБАТ

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида жиддий муаммолар бор. Уларнинг айримлари ҳақида мулоҳазалар.

5-б.

МАРДЛАР МАЙДОНДА КУЧ СИНАШАДИ



«Тико» соҳиб Махтумқули МАХМУДОВ



«Нексия» соҳиб Тоштемир МУҲАММАДИЕВ



«Дамас» соҳиб Баҳром АВАЗОВ

3-4 апрел кунлари Термиз шаҳрида миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган IV аънавий халқаро турнирда қўнлаб давлатлардан полвонлар иштирок этишди.

Турнирда барча совринли ўринлар ҳамюртларимизга насб этди. 73 килограммгача бўлган вазнда сурхондарёлик Махтумқули Махмудов ғолиб бўлиб, «Тико» автомобили билан мукофотланди. Иккинчи соврин - «Дамас» микроавтобуси қашқа-

дарёлик Баҳром Авазовга топширилди. У 90 килограммгача бўлган полвонлар беллашувда биринчи ўринни олди.

Энг оғир вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида Тоштемир Муҳаммадиев барча рақибларининг курагини ерга текизди ва Ўзбекистон Президенти томонидан таъсис этилган «Нексия» автомобилига сазовор бўлди.

Ғолибларга миллий кураш бўйича Осие чемпиони унвони ҳам берилди.

• 9 май - Хотира ва қадрлаш куни

ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

- Ғўли Саманович, биласиз, изгари 9 май Ғалаба куни деб аталарди. Эндишда бу сананинг номи ҳам бутунлай ўзгарди.

Утганларни хотирлаб, руҳини шод этиш, ёши улугларни эъзозлаш халқимизнинг азалий урф-одатларидан. Бу хусусият бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Миллий мафқуромизга мос.

Тўқсон тўртинчи йили республикамизда ХОТИРА китоби чиқарилди. Унинг 1-2-томлари вилоятимизга баянланган. Уларда урушда шахид бўлган минглаб ҳамюртларимиз тўғрисида маълумот берилган. Жанг майдонларида ҳалок бўлган қариндош-уруғлари тақдирдан ана шу китоб орқали хабардор бўлганлар ҳам бўлди. Бирови бориб, отасининг қабрини Украинадан топиб, зиёрат қилиб келди. Марҳумнинг хоки-пойидан олиб келиб, онасининг олдида қўйди. Хатто масракосини ҳам ўтқозди.

Авваллари Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гул қўйиб қайтавериларди. Энди Хотира майдони бўлади. Урушда ҳалок бўлганларнинг рўйхати ёзилади. Одамлар ўқиб-билиб, зиёрат қилишади.

- Уруш давриги сиз ҳам яхши

• Қўтлаймиз

ПРОКУРОР «ФАХРИЙ ХУКУҚ ДОКТОРИ»

Яқинда Фарғонага хоридан хушхабар келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарошли Ахборотлаштириш халқаро академияси ҳузурдаги иқтисодиёт ва тижорат халқаро академияси Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия қатта маслаҳатчиси Юнус Юсулович Абдуллаевга ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишдаги қатта хизматлари учун «Фахрий ҳуқуқ доктори» илмий унвонини берди.

Юнус Абдуллаев ҳуқуқшунослик тараққиёти билан боғлиқ 15 номдаги китобларнинг яратилишидаги иштироки, самарали, амалий ва илмий-ижодий фаолияти учун шу юксак унвонга мушарраф бўлди.

Ф.СИДДИКОВА.

• Прокуратура фаолияти

Яқинда Сурхондарё вилояти ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралари ходимларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят прокурори, адлия қатта маслаҳатчиси Шовкат Шукуров кириш сўзи билан очди. Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш миллий дастури»нинг жойлардаги ижроси аҳоли хусусидаги масала кўрилди. Ушбу масала юзасидан вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси Бозорбой Қодировнинг

рийат ҳолларда «ҳали пул ўтказилмаган» ёки «бу дори йўқ», дейишади.

Ваҳдамизда ана шу қутлуғ кунга

Маълумки, Республикамиз Президенти Фармони билан «9 май - Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди. Биз Сурхондарё вилояти оқсоқолларидан бири Р. Эргашевдан шу хусусидаги фикрларини билдиришини сўрадик.

эсласангиз керак.

- У маҳаллар ўн икки-ўн уч яшар бола эдим. Шунга қарамай, қолханда ишлардик. Кўш хайдардик, сув қўярдик... Қорин тўйғизиш ҳам амри маҳол эди. Атала билан бир амаллаб кун кўрардик. Бошқа хаваслар тўғрисида-ку гап-сўз бўлиши ҳам мўмкин эмас эди. Худо кўрсатмасин у кунларни.

Инсон ҳаётлигида қадр-қиматини ўрнига қўйишга нима етсин. Айниқса табарруқ отахонлар ва азиз онахонларнинг дуосини олиш нақадор совобли иш.

Дунёга ҳеч ким устун бўлмайдди. Уруш қатношчилари, ҳатто фронт ортида меҳнат қилганлар ҳам йил сайин қамойиб бораётди. Улар меҳр-мурувватга, ҳурмат-эътиборга муҳтож. Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, ёрдам қилиб туриш лозим. Бу - ҳар бир имон-эътиқодли кишининг, хусусан қатта-кичик амалдорларнинг инсоний бурчи.

Тўғри, ҳозир ҳуқумат ёрдам қилапти. Анча-мунча имтиёзлар берилган. Лекин уни бажаришда сансалорлик қилишади. Мана, мисол учун, уруш фахрийларига дори-дармонларни бепул бериш керак. Афсуски, борсангиз акса-

қандай ҳозирлик кўрилаяпти? Бу ҳақда «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Уктам Эсанов қуйидагиларни гапириб берди:

- Вилоят ҳокимининг қарори билан махсус пул-буюм лотереяси ташкил этиляпти. Ундан тушган маблағ Термиз шаҳридаги Хотира майдонини таъмирлаш, уруш қатношчилари билан ҳарбий кисмлар ва ўқув-юртларида учрашувлар ўтказиш, фахрийларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида сарфланади.

Ҳозирги пайтда вилоятимиз марказидаги Хотира майдони бутунлай қайта таъмирланаяпти. Жойлардаги ана шундай зиёратгоҳларни давр талабига мослаштириш туман ҳокимликларига тавсия этилди.

Уруш қатношчилари, урушда боқувчисини йўқотганлар, ёрдамга муҳтож фронт ортида хизмат қилганларнинг рўйхати олинаяпти.

Ортбошимизнинг ташаббуси ҳар биримизнинг қалбимизда ҳайрихоҳлик ва қизиқш ҳиссини уйғотганига шубҳа йўқ. Зотан, бу эзгуликка доъватдир.

Қурбон ЖУРАНАЗАРОВ.



- Қўчат экиб, бог ярат: Яхшидан бог қолади, дейишади-ку.

А.МАМАТКУЛОВ сурати.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

маърузаси тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим прокурори Комилжон Нуруллоев ҳам нутқ сўзлади. Жойларда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан берилган соволларга «Қамолот» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ҳалқ тоълими бۆшқармаси раҳбарлари жавоб бердилар.

Кенгаш йиғилишида шунингдек, вилоят адлия бۆшқармасининг бошлиғи Чориев Алло-

ёров, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари Исо Қалқоновлар муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини ўртоқлашдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовини Мухиддин Абдуллаев, Республика прокуратураси бўлим прокурори Шодмон Сафаров, вилоят судининг раиси Нормамат Сатторовлар қатнашдилар.

Ж.АНОРОВ,
Сурхондарё.

ХУКУҚ ХАТҚУТИСИДАН

Расмий жавоб хати

ЁҒГА ХАРИДОРЛАР БОР

«Хуқуқ» газетасининг шу йил 17 феврал сониде босилган «Ўсимлик ёғига харидор борми?» сарловхали мақола уюшмада ва «Сурхонозиқовқатсаноят» АЖ меҳнат жамоасида муҳокама қилинди ҳамда бу хусусда тегишли тadbирлар белгиланди.

«Сурхонозиқовқатсаноят» АЖ Сурхондарё вилояти ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади ва у ўсимлик ёғи, кир совун, ирот ва шелуха ишлаб чиқаришда ихтисослашган. Бу ерда техник чигитдан фойдаланган ҳолда (давлат ресурсларидан ва ҳужалиқлар ихтиёрида қоладиган хом ашёдан) маҳсулот ишлаб чиқарилади. Баъзи йилларда марказлаштирилган тартибда импорт йўли билан олиб келинадиган соя донидан маҳсулот тайёрланади.

Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг ҳаммаси истеъмолчиларга, шу жумладан, савдо ташкилотларига республика ҳукумати томонидан йилнинг ҳар чорасида тасдиқланадиган ишлаб чиқариш ва тақсимот балансида кўзда тутилган ҳажмларга қатъий равишда риоя этилаётган ҳолда етказиб берилади. Кир совун эса савдо ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ жўнатилади.

1999 йилнинг 1 чораси мубайнида тайёр маҳсулотни етказиб бериш масаласида корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган муайян қийинчиликлар рўй берди. Бунинг натижасида корхона оморларида маҳсулот қолдиқлари тўпланиб қолди.

Масалан, 1999 йилнинг 1 чорасида Сурхондарё вилоятидаги бозор истеъмолчиларига 1793 тонна ёғ ажратилган эди. 1999 йил 22 март ҳолатига кўра йил чорасидаги ҳажмга нисбатан ёғ маҳсулотига талаб атичи 985 тонна ёки 54,9 фоизни ташкил қилди. Яна шунинг ҳам айтиши жоизки, корхона қандайдир кўра, маҳсулотнинг ҳақи олдиндан 100 фоиз қилиб тулганлигиндан сўнгини уни бозор истеъмолчиларига жўнатишга ҳақлидир.

Ҳужалиқларнинг ихтиёрида қоладиган хом ашёни қайта ишлашдан ҳосил қилинган пахта ёғи уларга тўла-тўқис қайтариб берилади.

Пахта ёғини ўзлаштиришдаги қониқарсиз аҳволнинг асосий сабаби дўконлардаги моливий қийинчиликлар билан боғлиқ. Вилоят ташқарисига жойлашган истеъмолчиларга ўсимлик ёғини етказиб беришда бирмунча пасайиш рўй берди. Негаки, маҳсулотни Туркманистон ҳудуди орқали темир йўлда ташишдаги мураккаблик билан боғлиқ бўлди.

Ўсимлик ёғини етказиб беришни тартибга солиш ва «Сурхонозиқовқатсаноят» АЖ оморларидаги тайёр маҳсулот қолдиқларини қамайтириш мақсадида Уюшмада тadbирлар режаси ишлаб чиқилди ва у корхоналарга тавсия этилди. Tadbirlar режаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- саноат йўли билан қайта ишлаш учун «Тошмарғей» АЖ номига 960 тонна ҳажмда тозаланган пахта ёғини жўнатиш;
- «Локколорсинтез» АЖ (лок-буёқ заводи)га 240 тонна маҳсулот жўнатиш;
- «Хуриш» АЖ (Самарқанддаги ихтисослашган таъминот базиси)га 50 тонна маҳсулот юбориш;
- экспорт қилиш учун 300 тонна ёғни ажратишга ва давлат захирасига қўшимча равишда 300 тонна ёғни қайтаришга доир ҳужжатлар расмийлаштиришди.

«Сурхонозиқовқатсаноят» АЖ да бу хусусда тегишли буйруқ чиқарилди.

Вилоят ҳокимиятида савдо ташкилотларининг вакиллари иштирокида мажлис ўтказилди, унда дўконларнинг маҳсулот танлашини кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тadbirlar белгиланди. Вилоят пул-кредит комиссиясига банк бўлимлари учун мақсадли кредит ажратиш тиошириги берилди, белгиланган тартибда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотларини сотиб олиш учун вилоятсавдо ҳамда вилоят матбуотсавдо бўлимларига 150 миллион сўм ажратилди.

Қўрилаётган чора-тadbirlar натижасида, шу йилнинг II чорасида ўсимлик ёғи буйича қўтилаётган ресурсларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд меъёрдан ортиқча маҳсулот қолдиқлари тўла-тўқис реализация қилинади.

А.ЖАМОЛОВ,
«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси.

Муносабат

ЯХШИЛАРГА ИШОНИНГ

«Дардим сизмас дунёга». «Хуқуқ», 17 феврал, 1999 йил.

Муътабар ҳали ёш экан. Ишонч билан айта оламани, қийинчилик билан бўлса-да, ҳаётда ўз йўлини топиб кетади. «Ҳозирги ёшларимиз тарбиясиз бўлиб кетган, ўзлари пиширган ошини ўзлари ичаверсин», дейдиган одамлар ҳам йўқ эмас. Лекин қатталар, ўйлаб кўринг, биз ёшлар тарбияни кимдан ўрганамиз? Албатта, сизлардан. Анчиқ бўлса-да, бир гап бор: «Қуш уясида кўрганини қилади», деган.

Муътабарнинг ҳаёти шундай бўлишига биринчи навбатда унинг онаси, кейин ўзи айбдор. Чунки қиз бола онага тортади, дейишади. Қолаверса, она унга сирдош бўлади, наҳотки, қизи ким билан муомалада бўлаяпти, қаерга кетаяпти, бунинг сизмаса?!

Муътабар, сингилжон, сизга менинг ширин гапларим шукси, виждонингизга, қалбингизга тавба-тазарру қилинг. Ҳаётини қайта бошлаб ўз бахтини топанлар кўн. Дунёда яхши инсонлар ҳам борлигини ҳис қилган ҳолда ишонг, иложи борича ўтмишингизнинг қора кунларини улутушига ҳаракат қилинг.

Ҳаётда қандай қилиб яхши инсонларга қўшилишини, тенгдошларингиз даврасига қайтишини ўйлабсиз.

Сиз фақат яхшиларга ишонинг, сунини. Ўтмишингизни юзингизга соладиган кимсалар ҳам топиб қолшини мўмкин, лекин сиз иложи борича кечиримли бўлинг, Оллоҳ сизни яхши кунлари билан сийлагай.

Дилбар НОРҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукукий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукукий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони қабул қилинганлига ҳам бир ярим йилдан ортиқ вақт ўтди. Давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган вазифа - аҳолининг хукукий маданиятини ошириш ва хукукий тарбияни яхшилаш борасида Қорақалпоғистон республикасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақда мухбиримиз Вазирлар Кенгаши Раисининг хукуқни муҳофаза қилиш бўйича котибият раҳбари З.Шомурадова билан суҳбатлашди.

ишлар ўз самарасини бермоқда.

- Замира Раимова, кенг амманинг хукуқий саводхонлигини ошириш, хукуқий маданиятини юксалтириш борасида маърифий-тарғибот ишларининг ўрни катта, албатта. Бу борада қандай ишлар қилинапти?

- Тўғри, аҳолининг хукуқий билимини ошириш, хукуқий маданиятини юксалтиришда тарғибот ишларининг роли бекиёс.

• Фармон ва ижро

- Замира Раимова, ҳар бир кишида қонуналарга ҳурмат туйғусини шакллантириш, аҳолининг турли ижтимоий қатламларига хукуқий ёрдам бериш орқали қонуналар ва хукуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашимиз мумкин. Бу борада республикада қандай ишлар



Халқимизнинг хукуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кутарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сузининг замирида ҳам катта, улуг хукуққа эга булиш деган тушунча етади, яъни мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этганда катта хукуққа эгалик ҳам демакдир.

Ислом ҚАРИМОВ.



Келин-куёвларнинг тарихий обидаларни зиёрат қилишлари яхши аънамага айланган.

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН ЮКСАЛМАЙДИ

амалга оширилаяпти?

Хукуқий маданият ўз-ўзидан юксалмайди. Унинг қонун ва қондаларини ҳар бир инсон, ҳар бир мутахассис амалга ошириши учун зарур шартлар яратиб берилиши лозим. Энг муҳими, ҳар бир фуқарога қабул қилинган қонунларнинг, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмунини-маъносини, аҳамиятини тўлиқ тушуниришини яхши йўлга қўя олмади, у ўз фаолиятида ихтиёрий равишда қонун нормаларига бўйсунмади.

Аҳолиси онгли, юксак салоҳиятли мамлакатнинг келажаги ойдиндир. Бу энг аввало, ўша мамлакат қонунлари совиёси, унинг ижроси қай даражада эканлиги ҳамда фуқароларнинг мавжуд қонунларни яхши билиши, англашига боғлиқдир. Фуқароларнинг хукуқий билимларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукуқий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш

тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқадиган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг урта қарори қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан «Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» тасдиқланди. Ушбу миллий Дастурни амалга ошириш бўйича ҳукумат томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ҳам хукуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда аҳолининг хукуқий билим ва маданиятини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига хукуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган жамоатчилик асосидаги хукуқий маслаҳатхоналар ташкил этишга киришилди. Фуқароларга хукуқий таълим бериш, одамларнинг хукуқий саводхонлигини ошириш мақсадида хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жолб этилган ҳолда учрашувлар ўтказилди, радио ва телевидение орқали, маҳаллий матбуот саҳифаларида қонунларни шарҳлаб бериш ҳам ижобий самараларни берди. Мактабгача тарбия мусассаларида «Дастлабки хукуқ тушуночалари» мавзусида машулотлар кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастури»га асосланган ҳолда Олий ва ўрта махсус ўқув юртрларида хукуқшунослик фани бўйича тест синовларини жорий қилиш, талаба ёшларга хукуқий билим беришнинг сифатини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Республика прокуратураси, Жоқарғи суд ходимларининг маъруза ва семинарлар билан иштирок этишлари учун шартномалар тузиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар олиб борилди. Бугун бу

Шунингдек, янги қонунчилик ва меъёрий хукуқий ҳужжатларни мунтазам равишда умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш, хукуқий таълимни чуқур таҳлил қилиш ва такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган маърифий-тарғибот бўлимига ахтиёж сезилди. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг «Хукуқий маърифат тарғиботи бўлимини ташкил қилиш ва хукуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисидаги қарорига асосан Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилган «Хукуқий маърифат-тарғиботи» бўлими худди ана шу вазифани бажармоқда. Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Низом бўйича белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган бу бўлим ҳамкорлик асосида ишлаш йўлидан бормоқда.

Шунингдек, прокуратура идоралари томонидан бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, мактаблар, ўқув юртрлари, меҳнат жамоаларида фуқаролар билан тез-тез учрашувлар ўтказилмоқда. Хотин-қизлар кўмиталари билан биргаликда жойларда «Аёл ва хукуқ», «Аёл ва оила» мавзусларида конференциялар ташкил этилиб, хотин-қизлар орасида қонунбузарлик, жиноятчиликка қарши кураш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

«Қамолот» ёшлар жамғармасининг республика бўлими ва хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида умумтаълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида мамлакатимизнинг Конституцияси, амалдаги қонунларини ёшлар чуқур билишлари учун «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Ўсмирлар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Ўсмирлар ўртасида хукуқий тарбияни йўлга қўйишда «Ўсмир ва қонун» студиясининг фаолияти айниқса самарали бўлаёттир. Ёшларнинг барқамол инсон бўлишлари учун ўқув юртрлари, қорхона ва ташкилотларда «Фидойилар» клуби ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтиш

мумкин.

- Маълумки, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ жорий йилининг январь-феврал ойлари «Хукуқий таълим бериш» эки ойлиги деб эълон қилинган эди. Бу эки ойликдан кўзланган мақсад ва унинг натижалари ҳақида батафсил тўхталасанми?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон республикаси Жоқарғи Кенгеси сессияларида қабул қилинган янги қонунларни халққа тушунтириш учун, аҳолининг хукуқий маданиятини ошириш ва хукуқий тарбияни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Кенгаши 1998 йил 30 декабрда «Хукуқий таълим бериш» эки ойлигини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор асосида прокуратура, Жоқарғи суд, Хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Молия, Меҳнат вазирликлари, солиқ ва божхона бошқармалари, Қорақалпоғистон республикаси давлат хусусийлаштириш қўмитаси, Ер ресурслари бошқармаси ходимлари мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилди. Улар ҳар бир туманда бўлиб, хўжалик раҳбарлари, бош ҳисобчилари, қарор бўлими бошликлари, хукуқшунос-маслаҳатчилар, фуқаролар йиғинлари раислари-овул оқсоқоллари иштирокида машулотлар ўтказилди. Тадбирларда фуқароларга конституциявий хукуқ ва бурчлари, меҳнат қилиш ва мулк хукуқлари, яқка тартибда уй-жиҳаз қуриш тартиблари, фуқароларнинг ҳарбий бурчлари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилдиган имтиёзлар ҳамда ҳиссадорлик жамиятларининг хукуқлари тўғрисида, Ер кодекси, «Фермер хўжалиги ҳақида», «Дехқон хўжалиги

тўғрисида»ги қонунлар, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги қонун, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, шартномалар тузиш тартиб-қондалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Ўқув машулотлари кизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди.

Икки ойликдан кўзланган натижаларга озми-кўпми эришдик, десам хато бўлмайди.

- Аҳолининг хукуқий маданияти ва совиёсини яхшилаш, хукуқий билимини ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлиши юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларингиз.

Кўйилаётган вазифаларни талаб даражасида ҳал этиш асосий бурчимиздир. Шунда биз бугунги кунда Қорақалпоғистон республикаси давлат ҳокими-ятининг вакиллик ва ижро органларига келиб тушаётган ариза ва шикоятларнинг сони анчагина камайишига эришган бўлардик. Халқ хўжалигида ишловчи хукуқшунос-маслаҳатчиларнинг мавқеини кўтариш масаласи ижобий ҳал этилиши лозим, менимча. Уларнинг ойлик маошлари ҳам алоҳида разряд билан белгиланса, мақсадда мувофиқ бўларди. Бугунги кунда кўпгина ташкилот ва қорхоналарда, хўжалиқларда хукуқшунос-маслаҳатчилар йўқ. Бонси - шартшароитлар яратилмаган, ойлик маоши паст. Ҳолбуки, шартнома тузилиши ва унинг шартлари бажарилишини хукуқшунос назорат қилиб бормоғи лозим.

Хукуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати экан, уни аҳолининг барча қатламларида жорий қилиш, қонунлар устиворлигини таъминлашга эришиш ҳар биримиздан фидокорликни талаб этади.

Суҳбатдош: Аминбой ОРТИҚБОВ, «Хукуқ» мухбири.

ҚИСҚАЧА

Якшанба кун Москвада Федерал хавфсизлик хизмати биноси яқинида кучли портлаш рўй берди. Уч киши енгил яраланган, жиноятчилар қидирилмоқда.

Ташкентлик таниқли режиссёр М. Абзаловнинг «Ўтган кунлар» фильми Гатчин шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда махсус соврин ва диплом билан тақдирланди.

Республика Олий хўжалик судида «Халқаро тижорат арбитражи» мавзусига бағишланган халқаро анжуман ўз ишига яқун ясади.

Андижонда Асака шаҳридаги «ЎздЭУ-авто» автомобиль заводи учун лак ва бўёқлар ишлаб чиқарувчи «Ўздонжу Пэинт компани» ўзбек-корея қўшма қорхонаси очилди.

МОҲИЯТ

Ҳаёт дорилфунушини ҳамма ҳам ўтайди. Кимлар ундан гаввос ангилг «шўнғиб», ҳикматлар уммонидан дуру жаваҳирлар йиғиб, умрини безаса, ўзидан яхши ном қолдирса, кимлар эса умрини беҳудоба соғуриб, охир-оқибат кимсасиз қас бўлиб, ҳаётдан кўз юмиб кетади.

М.СОДИҚОВ, тарих фанлари номзоди.

Республикамызда хусусий автобуслар қатнови йўлга қўйилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, уларнинг миқдори кўп. Шаҳарлараро йўналишларнинг ҳар бирида, ҳар қадамда бундай автобусларни учратиш мумкин. Бунинг ўзига ҳос ижобий жиҳатлари бор. Жумладан, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида ўзaro рақобат бошланди, йўловчиларнинг қўшимча қулайликларга эга бўлишларида янги уфқлар очилди. Бу албатта, яхши. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Энди-энди бўй кўрсатаётган рақобатнинг асоси нимада? У ҳақиқий ҳалол рақобатга айланаётими? Қуйида шу хусусда сўз юритилади.

• Муаммо

даги, «Халқлар дўстлиги» шох-кўчасининг худди шу ерига транспорт воситаларининг тўхтаб туришини таъқиқловчи белги қўйилган. Шундай бўлса-да, йўлнинг икки томонида қаторлашиб кетган транспорт воситаларининг тўхтаб туришига ҳеч бир ДАН ходими қаршилик қилмайди. Ваҳоланки,

Наҳотки, давлат автокорхоналаридаги нарх-наво ҳам уларнинг кўнглига қараб белгиланса?..

- Шунақа деса ҳам бўладию, аммо йўлқирани улар эмас, машиналарини ижарага бериб қўйган уларнинг «узун» қўлли окахонлари белгилашади...

Хуллас, тезда ўрганган мижоз-ларимиз сийрақлашиб қолди. Энди бизнинг ҳам соатлаб мижоз кутишдан бошқа чорамиз йўқ.

- Хусусий автобуслар қатнови йўлга қўйилганига оло қаршичилигимиз йўқ, - дейди Тошкент вилояти автошоҳ-бекатлар ва автобошбекатлар

кафолатланганими? Бу саволларга аниқ жавоб бериш мушкул. Сабаби, улар техник йўриқдан қаёқдан ўтказилганди, кўривчиловлари таъшиш учун тегишли рухсатномаларга эгами, ҳайдовчиларнинг ҳолати қанақа ҳеч ким билмайди. Менимча хусусий автобусларни ҳам қандайдир бир уюшмага бирлаштириш, маълум тартиб-қоидаларни ўрнаттиш керак.

Бошлик ўринбосарининг гап-ларида жон бор. Хусусий авто-бусларни маълум бир уюшмага бирлаштириш, келиб-кетишлари учун алоҳида муқим жой ажратиш хусусида ўйлаб кўриш мавриди келди. Тоқайгача улар темир йўл вокзаллари ёки автошоҳ-бекатларда, йирик бозорлар атрофи-да йўловчи тўплаш билан сарсон бўлиб юрди-лар. Қатнов вақтини-ку айтмай қўя қолайлик. Уларнинг қачон йўлга чиқишлари фақат битта нарса - автобус ўриндиқларининг тўлишига боғлиқ. Бундан, кўринадикки, биринчи келган йўловчи охириги ҳамроҳини керак бўлса 4-5 соатлаб кутишга ҳам мажбур.

Хусусий автобус ҳайдовчиларини ҳам тўғри тушуниш керак. Фалон пулга сотиб олинган улловни юргизишнинг ўзи бўлмайди. Уларнинг ақсарияти ижарачилар эканлигини инобатга оладиган бўлса, демак югуриб-елишлари, қатновлар сонини кўпайтиришлари мажбурий. Юқориди айтганимиздек, бунга хизмат муддати ўтиб кетган автобусларнинг ҳаммаси ҳам дош бера олмайди. Йўлларда турли бўёқлар чаланиб ташланган автобусларнинг бузилиб, тўхтаб қолганлигини, ҳайдовчию йўловчиларнинг ово-ра бўлиб турганлигини кўп бар кўргансиз. Бунинг сабаби ҳам бундай автобусларнинг узок йўлларда юришига қодир эмаслиги, техник жиҳатдан носозлигидир.

Яна бир масала. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш эвзоига тушоётган мобиллар айрим қўлларда қолиб кетмоқда. Оддийгина хомчўт қилиб кўройдик: Масалан, Тошкент Бухоро йўналишидаги хусусий автобус бир марта қатношида ўртача 30-35 минг сўм «топади». Ўшбу йўналишга бир кунда ўнта хусусий автобус чиқди, дейлик. Демак, 300-350 минг сўм мобиллар муомаладан четга чиқиб кетаяпти. Бу рақам ўн кунда қанча бўлади?! Уларнинг неча физици даромад солиғи сифатида тўланмоқда? Менимча, бу саволга аниқ жавоб топиш ҳали мушкул иш. Ахир, нақд пул танқислигига маълум маънода ушбу омиллар ҳам сабаб бўлмоқда-ку.

Хуллас, жиддий ўйлаб қаралса, транспорт, хусусан, йўловчиларни таъшиш билан шуғулланаётган хусусий транспортлар масаласида ҳам талайгина муаммолар тўпланиб қолган. Бу ҳақда бош қотириш, уларнинг ечимини топиш мавриди алақачонлар келди. Уйлаймизки, мутасассиди ташкилотлар ушбу масала билан жиддий шуғулланиб, тегишли тодбирларни ишлаб чиқадилар.

Дилшод ИСЛОМОВ, «Хукук» мухбири.

ТУШОВЛАНГАН

РАҚОБАТ

Авалло хусусий автобуслар хизматидан бир лавҳа. Шу йил январ ойининг охирилари. Навоий шаҳридан пойтахтга келаётган эдим. «Бухоро-Тошкент» поездига чипта олиш учун темир йўл вокзолига отландим. Вокзалга яқинлашим ҳамон эшик олдида атрофга олсазarak боқиб турган одам менга кўзи тушиб пешвоз чиқди:

- Тошкентгами, ука?
«Ҳа» деган ишорада бош иргадим.

- Автобус бор, - у шундай дея вокзал биносидан 30-40 метрлар чамаси узокликда турган хориж улвоига ишора қилди-ю, бидирлай кетди: - Видеоеси бор, музикалар эшитиб мазза қилиб кетасиз, «просто комфорт!».

- Улидан гапиринг.
- Ука бўладигани 750 сўм. Ҳаи санокли жойлар қолган. Ҳозир ўринлар тўлиши билан жунаймиз.

Поезд келишига ҳали икки ярим соатча вақт бор. Бетоқат поезд кутунча, тайёр уловда кетишга қарор қилдим. Савдони 650 га пишитдим. Ҳайдовчи «бошқаларга 700 га келишим, деваяверинг», дея эслатиб қўйди. Салонга чиқиб ҳайрон бўлдим. Ўриндиқлар деярли бўш эди. Олдинги қаторлардан бирига жойлашдим. Мен ўтирган жойнинг шундоққина юқорисига ўрнатилган телевизорда машхур сўз устасининг чиқишлари намойиш этилаётганди.

Ҳайдовчи ва унинг икки ёрдамчиси (аниқроғи уларни «йўловчи овчилари», деб атасак тўғрроқ бўлар) елиб-югуриб йўловчиларни тўпларди. Нихоят йўлга чиқдик, бу вақтда эса «Бухоро-Тошкент» поездди келиб тўхташига 10-15 дақиқа қолганди. Шаҳардан чиққанмиздан сўнг ҳайдовчилардан бири йўлқира йиғишга тушди. Зиёвиддин кўргонидан ўтар-ўтмас автобус йўл четига қўйилган ёнилли идишининг ёнида тўхтади. Машина эшиги очилиши билан икки нафар ўспирин югуриб келди. Ҳайдовчилардан бири улар билан гаплашган, рундаги шеригига «Эзрок орқага юришимиз керак экан», деди. Автобус анчагина юрса-да, ёниллининг дорағи кўринмасди. Соларқа сотувчилар ҳам пишик экан. «Ана келдик, мана келдик», дея автобусни «Самарқанд-Тошкент» йўлига туташган кўчалардан бирига бошлади. Бундан йўловчилар очик-ойдин норозилик билдира бошлашди. Қисқаси, ёнилли қўйиб олиш учун ярим соатча вақт кетди. Яна йўлга тушдик.

«Комфорт» автобуснинг юришига ҳам мажолли йўқ экан, шекилли Самарқандга етиб борганимизча, ҳайдовчилар икки марта машинанинг у ер бу ерини қавлаштиришга мажбур бўлишди.

Автобус қатта тезликда юрмасда, йўлдаги ҳар битта ДАН постиди тўхтатишар, эшик ёнидаги ҳайдовчилардан бири бирровгина инспекторнинг олдига бориб келарди. Билмадим, Сирдарё вилоят худудига қираверишда бўлса керак, тагин ДАНчилар тўхтатишди. Эшик ёнидаги ҳайдовчи уларнинг ёнига югурди.

- Нима, айбларинг машина-ни пешонасига ёзиб қўйилганими, ҳар қадамда тўхтатишар-япти, - дея рундаги ҳайдовчига гап отдим.

- Ҳе, ука. Тўхтаб ўтаётган фақат бизми? «Частнийлардан бирортаси ГАИга «салом» бермай ўтиб кўрсин-чи?».

Йўлдаги шунақа маш-машалар билан Тошкентга тангги соат 6.30 ларда етиб келдик. Ушандан буён хусусий автобуслар ҳақида гап кетса, юқориди кўрганларим хаёлдан ўтади.

Нафсиламбрини айтганда, ақсарият йўловчилар хусусий автобусларда манзилларига етиб олишни исташади. Сабаб, уларнинг нархи бошқаларга қараганда 150-200 сўмгача арзон. Хусусий автобусларнинг ишлари юришишига ҳам ушбу омил сабаб. Бозор шуниси билан бозор-да! Аммо, муваффақиятнинг асоси ўзгалар манфаатига зарар келтиришга боғланмаслигини унутмаслик лозим. Бу тўхтама келишимнинг сабаблари бор, албатта. Негаки, айнан хусусий автобус ҳайдовчиларининг айби билан йўл-транспорт ҳаракат қоидалари бузилаётган-лиги, давлат автокорхоналари фойдасига гайриқонуний равишда зиён етказиётганлиги бор ҳақиқат.

Метронинг Собир Раҳимов бекатидан чиқшингиз билан турнақатор чўзилиб кетган «РАФ» микроавтобуслари, турли русумдаги автобусларни кўп бор кўргансиз. Бири қўйиб бири олаётган бақирокларнинг «Иппо-дромага», Самарқандга, Жиззоҳа автобуслар бор» деган чорлашари ҳам Сизга таниш. Метродан чиқавериш-

бу ҳол шу ердан ўтувчи транспортларнинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам эркин ҳаракатлан-ишига жиддий ҳалокат бермоқда. Уларнинг эгалари эса «Тошкент» автовокзали орқали республикамизнинг турли шаҳарларига, қўшни республикаларга отланаётган йўловчиларнинг йўлини тўсиб, судра-гудек ҳолатда ўзларига тегишли транспорт томон етказмоқда.

Автовокзалга кириш эшик-лари ёнида, автобусларга чиқиш майдончаларида ҳам уларнинг «вакиллари» йўловчиларни тузоқларига тушириш билан банд. Бири йўловчининг юк халтасига ёпишиб машинаси томон судра-са, иккинчиси билагидан тутиб ўзига тортади. Хуллас, йўловчиларни талашиб оввида.

Ёки, рақобатдаги фирромлик ҳақида яна бир мисол. Метронинг «Буюк ипак йўли» бекатидан Чирчик, ПТЗ, А.Югнакий, Қорасув доҳаларига РАФ ва бошқа русумдаги микроавтобуслар қатнаб туради. Уларнинг ҳам ақсарияти хусусий. Бундан уч ойларча илгари ана шу йўналишларда қатновчи «Отыйўл» микроавтобуслари пайдо бўлди. Йўлқира ҳақи 20 сўм бўлган ушбу микроавтобуслар рости йўловчиларнинг 35-40 сўмини ишлаётган бошқа рақобатчиларини «синдирди». Аммо, 3-4 кун ўтиб, уларда ҳам йўлқира ҳақи 30 сўмга кўтарилиб кетди. Бунинг сабаби билан қизқиб, ҳайдовчилардан бири билан сўхбат-лашдим.

-Э, «частний маршрутқа»-дагилар тўполон қилиб юборишди. Мажбур бўлдик, йўлқирани кўтаришга.

- Ахир, қанақасига?



Муҳаммаджон Солиев йигирма йилдан бундан икки ишлар идорасида хизмат қилади. Айни пайтда у иқтидорли ёзувчи сифатида ҳам адабиёт мухлисгарига таънабли. 1993 йилда ёзувчининг «Жийдадордаги қотиллик» қиссаси китоб ҳақида чоп этилган эди. Бу асар ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Яқинда Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида М.Солиевнинг иккинчи китоби - «Илон ўргатувчининг ҳалокати» (аъсаду муҳаррир Набижон Бокий) нашрдан чиқди. Китобга Республика йилки ишлар вазири Зокиржон Алматов сўзбоши ёзган. Ушбу тўпلامдан ёзувчининг сўнгги йилларда яратган қиссалари ва диалоглари ўрин олган. Ишонч билан айтиши мумкинки, ушбу тўпلامдан ўрин олган ижод намуналари ҳам ўқувчиларга манзур бўлади. Қуйида М.Солиевнинг «Илон ўргатувчининг ҳалокати» қиссасидан парча ўқийсиз.



ИЛОН ЎРГАТУВЧИНИНГ ҲАЛОКАТИ



- Маъзава тўкиш учун ўра қазиб беринг! - деб бир неча бор такрорлади Исмомля темирчининг хотини.

Темирчи охири белкуракни қўлига олиб, томорқадан муносиб жой танлади. Ишга киришди. Бир ярим-икки метр чуқурликда ўра қазиган пайтда белкуракда қаттиқ нарсага урилди. «Оббо, тош-пош бор шекилли, энди бошқа ўра қазиган тўғри келади», деб ўйлади темирчи. Ичида хотинини бўралаб сўқди. Белкуракни ирғитиб юборди. Яна хотинини сўқди. Лекин, онасидан сўқмади. «Ўзимни сўқинг, онамни сўқманг!» - дедивериб, хотини ахирини ўзини сўқингга ўргатиб қўйганди.

Терлаб кетди. Қўзларини тишиштираётган терни билаги билан артди. Билаги лоё бўлиб қолди. Билагини шимининг орқасига артиб олди. Сўнг, тиз чўкиб, белкуракнинг учи урилган жойини қўли билан кавлай бошлади. Чарчади. Нафаси бўғинди. Тупроқнинг остидан юмалоқ бир нарса чиқди. Шу нарсани юқорига улоқтирди.

Хотини чой дамлаб келаятганди. Юмалоқ нарса оёғининг остига тушдию кўриб кетди. Човғунми ташлаб юборди. Хайрият, иссиқ чой оёғини кўйдирмади. Хотин ёқасига тўпуриб қўйди.

Эри ўрагинг икки четига қўлини тираб, тепага чиқди.

- Кўзингизга қаросангиз бўлмайдими?! Оёғим синиб қолса, нима бўларди?! Жон-поним чиқиб кетди! - деди хотини қўлини икки томонга ёзди.

Темирчи тупроқ уюмига ўтириб, нафасини ростилади. Белидан белбоғини ечиб, юз-кўзини артди.

- Оёғингни эмас, жагингни синдириш керак, жагингни! - деб ел-калорини силкитиб қўлди темирчи. - Лънати ўра шу тобда жуда зарур эдимми?!

Хотини икки қўлини белига тираб олди.

- Маъзавони кўчага ташийвериб, оёғингда оёқ қолмади! Ҳар кунги кийимларингизни ювман! Қўларим оқ ем бўлиб кетди, манал! - деб хотин қўлларини кўрсатди.

Темирчи хотинининг қўлларига эмас, оёғининг остида ётган юмалоқ нарсага тикилди. Жисм тошга ҳам, гиштга ҳам ўхшамасди. Куёш нурида бир чети яркираб турарди.

Темирчи индомасдан ўрндан турди. Хотини орқага тисарилди. Ердан кўзини узмай яқин бориб энашди. Нарсани қўлига олиб, тупроқдан тозаллади. Нам тупроқдан тозаланган нарса ҳайкал кийёфасига кирди. Ҳайкал бўлган ҳам шунақча ҳайкал эмас,

отлик чавандознинг ҳайкали эди. Мўжазгина ҳайкал. Темирчининг қўллари титради.

- Умри, онангни ... Бизга худо берди! - деди темирчи. Орқасида турган хотини:

- Яна онамни сўқаяпсизми?! Мен сизга минг марта айтганман ҳар қанча сўқсангиз, ўзимни... - деди.

- Э-э, мун қара! - деб темирчи ҳайкални кўрсатди.

- Вой, темир ҳайкалми? Лениннинг ҳайкалими? - деб сўроди хотини ажабланиб.

- Ленин от минмаган, аҳмоқ! У доим пиёда юрарди.

- Қўйсангиз-чи, Тошкентда от миниб юрганини ўзингиз кўрсатгансиз-ку! - деди хотини ишонқирамай.

- У Фрунзе эди аҳмоқ, Фрунзе!... Мун қара, олтин!

- Йў-э-! - деб хотини қўзларини пирпиратди. - Олтин шунақа бўладими?

- Ҳа-да, олтин шунақа бўлади! - Мен бўлсам, Ленин шунақа бўлади деб ўйлабман.

- Бу Ленин эмас! Бу тилло, хотин, тилло!

Хотин ҳайкалчани ушлаб қўрди.

- Совуқ экан, - деди афтини буруштириб. - Шапкаси бўлмаса ҳам Ленинга ўхшайди.

- Шу замонда Ленин қолибдими, галвор! Уйга юр, қолган гапни уйда гаплашамиз! Хотини ҳайкални қўлига қисиб ҳовли томон одимлади.

- Буни нима қиламиз? - деб сўроди хотини. Фотима опаннинг айтишича, ҳайкал бор уйда намоз ўқиб бўлмас эмиш.

- Э-э, Фотима опангни ҳам онасини...

- Отинчани сўқманг, ёмон бўлади, - деб оғоҳлантирди хотини.

- Ҳадеб жаврайверма, озгинга

маҳкам бўл! Милиция-пилициянинг қулоғига етиб борса, уйимизни кўйдиршади. Агар улар билиб қолишса, олтиндан ҳам ажраламиз, устига-устак жарима ҳам тўлаймиз!

- Сабилни жойига қайтадан кўйиб қўя қолсангиз бўлмайдами? Пешайвондан ўтиб, уйга кирдилар.

- Эшикни ёп! - деб буюрди темирчи.

- Болалар келиб қолса, уят бўлади, - деди хотини.

- Нимаси уят?! Ахир, мен... Ёнгинасига ўтирган хотинига тикилиб: - ха майли очик тураверсин, - деди. - Районга бориб, укам билан маслаҳатлашиб келаман. У савдога аралашиб юради, зақунни яхши билади. Эпласа, ўзи кенжамизнинг суннат тўйини кўтарадиган пул берса бўлди-да, тўғрими?!

- Қошқийди! - деди хотини жилмайиб. - Лекин қайним ҳозир қишлоқдаги боғ ҳовлисида бўлса керак, - деди тусмолдан.

- Тўғри, боғ ҳовлисида бўлса керак. Иссиқда домда яшаб бўлмайди.

- Қишлоққа нимада борасиз? - Автобус юрадми-ку!

- Автобусда одам кўп бўлади. Биров билиб қолиши мумкин. Унинг устига, озгингизда гап ётмайди.

- Нима қил дейсан?

- Эртага асалчи келади. Яхши-си, ўшанинг машинасида кета қолиш!

- Бўпти, Қозимжон билан районга етиб оламан. У ёнига ҳам бирорта машина чиқиб қолар! Энди ҳайкални эски увадога ўраб, хуржинга сол! Йўл-пўлда биров учраса, бозорга кетялман, дейман.

- Ҳўп, - деб хотини ўрндан турди. Ҳайкални кўтариб чиқиб кетди.

Прокурор назорати

Божхона тартиб-қоидалари аксарият ҳолларда йўловчилар томонидан бузилади. Ажабко, боғжоначиларнинг ўзлари ҳам баъзи-баъзида қонунбузилишида «қўмақлашиб» турарканлар.

Масалан, Москва-Тошкент поездида 7300 рубллик автомашина эҳтиёт қисмларини олиб келаятган қўқонлик Ю.Мусахонов Тошкент Шимолий темир йўл вокзалига келиб тушиди боши галвада қолди. 7-сонли боғжона ходимлари унда юкка тегишли барча ҳужжатлари бўлишига қарамасдан эҳтиёт қисмларини олиб қўйишади.

Боғжоначилар билан «тил»

топиша олмаган Ю.Мусахонов юкка тааллуқли ҳужжатларни илова қилган ҳолда прокуратурага мурожаат қилади.

Республика транспорт прокуратураси Тошкент шаҳар боғжона башқармасидан мазкур ҳолатни атрофича текшириб, тегишли чора-тадбир белгилашни сўрагани. Бошқарма бошлигининг ўринбосари Т.Алимуллаев топшириқни бажариш ўрнига қонунчи оёқости қилган ходимларига ён босиб, «Ю.Мусахоновнинг юклари бе-риб юборилди», деган

Ҳаммаслар ижодидан

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН АҚИДА

Маълумингизки, биз газетамизда ўзга тахририятлардан фаркли ўлароқ, шоирликка «даъвогар»лардан кўра, «шоирликка даъвосиз шоирлар»нинг шеърини чоп этишга эътибор қаратдик. Мана бугун аънонамизни давом эттириб, яна бир ўшандай шоиримиз, «Ёлғизлик», «Ҳабиб бўлгин менга муҳаббат» шеърини тўпламлари, «Жаҳолатга қўйилган тузоқ» насрий тўплами муаллифи, Самарқанд вилоят прокуратураси ходими И.Йўлдошевнинг «Бунда тонглар кашф этар ўзни» номли янги шеърини тўплами «Сўғдиёна» (Самарқанд) нашриётида яқинда босмадан чиқарилганини маълум қилмоқчимиз.

Тўпладан жой олган «Ватан», «Самарқанд», «Менга жонинг ачир бегумон» сингари шеърларни илоҳий ижодкорликнинг яхши намуналари ҳисоблаш мумкин. Жўлпадан

Нима эккан бўлсанг ўрасан шуни -
Омонат дунёнинг ҳикмати аён.
Юртида истиқлол юз берган кунни,
Яна ўз боғига қайтди Кўрагон.

«Самарқанд»
Она алласини тинглаб жилмайиб,
Бешиқда ухлайди гўдак бехатар.
Аёл ожизамас, турмас мунғайиб,
Эрка-ла ёнма-ён яшар, яратар.
«Ватан».

Албатта, тўпладан жой олган шеърларнинг ҳаммасини ҳам бодий жиҳатдан етук дейиш қийин. Бироқ кишини бир нарса қувонтиради, яъни «Ўзбекининг ҳаммаси шоир» деган ақида ҳақиқатдир. Ҳақиқатдан эса кўз юмиб бўлмади. Исматулла Йўлдошевнинг янги шеърлар тўпламини ўқисангиз сиз ҳам бу ақида ҳақиқатга эврилаётганлигига амин бўласиз.

Шавқиддин ҒАНИЕВ.



Наврўз қувончлари кичкинтойлар қалбини ҳам шодликка тўлдирди. А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

БОШЛИҚ КИМГА ЁН БОСДИ?

мазмунда жавоб хати йўллаган. Жаноб Алимуллаев фуқаро Ю. Мусахоновни Тошкентда 8 чун сарсон-саргардон этган боғжоначиларга чора кўриш ҳақида эса лом-ним демаган.

Москва-Тошкент поезди кузатувчиси Ж.Усмонов эса йўловчига «ён» босиб, давлат манфаатига зарар етказган. У фуқаро Н. Розиковнинг 1470 кг.лик автошлак-лёккаларини Москвадан пойтахт-тимизгача олиб келган. Юк ҳақи эса тўланмаган. Натижада «Ўзбекистон темир йўллари» компани-

ясига 123678 сўмлик зиён келтирилган.

Худди шундай жиноий ҳаракатлар Н.Розиковнинг ҳамкасблари Б.Тўлаганов, Ғ.Йўлдошев ҳамда Ф.Ғозиев томонидан ҳам содир этилган. Транспорт прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда ана шундай ҳолатлардан 16 таси аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Ё.ҒАЛПОРОВА,
Ўзбекистон транспорт прокуратураси бўлими прокурори.



SPORT

СИДНЕЙНИ КЎЗЛАБ

2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзи Олимпиада мусобақаларига йўлланмани қўлга киритиш ҳар бир мамлакат футболчиларининг катта ораси бўлиб турибди. Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоаси ҳам саралаш ўйинларини бошлади.

Ўтган шонба кунини мамлакатимиз футболчилари дастлабки саралаш учрашувида Қирғизистон терма жамоасини ўз майдонинда қабул қилишди.

Гарчи, бош мураббий Виктор Борисов жамоа таркибини тузишни эндигина бошлаган бўлса-да, футболчиларимиз мухлислар ишончини оқлашди. Ўйин ўзбекистонликларнинг яқол устунлигида ўтди ва 3:0 ҳисобида тугади.

Дастлабки ғалаба футболчиларимизни янги ютуқларга чор-

лайди деб умид қиламиз. Миллий терма жамоамиз навбатдаги ўйинни 10 апрел кунини Тошкентда ўтказди. Бу сафар улар Тожикистон олимпия жамоасига қарши майдонга тушадилар.

ЖАҲОН ЛИГАСИГА ЙЎЛЛАНМА

Катта теннисда ном қозongan мамлакатимиз жамоаси ўтган йилларда эришган муваффақиятлари тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади.

Дэвис кубоги мусобақаларининг навбатдаги саралаш баскичида рақибларимиз Япония теннисчилари ҳам ҳамюртларимиз маҳоратига тан беришди. Японияда бўлиб ўтган мазкур баҳсда теннисчиларимиз мезбонларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон лигасига йўлланмани қўлга киритишди. Уста теннисчиларимиз Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценколар сентябр ойида бўлиб ўтадиган 16 та кучли жамоа баҳсларида иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

ХОҚГА ҚАРШИ САНКЦИЯ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Халқаро олимпиада қўмитаси бир неча аъзоларининг коррупцияга аралашиб қолганлиги ҳақида илгари хабар берган эдик. Коррупция тегидаги давом этаётган машамалар АҚШ конгрессига ҳам етиб келди. Америка конгрессининг аъзолари ХОҚ раҳбарларидан олимпиада ҳаракатида ислохотлар ўтказишни талаб қилиш билан бирга, унинг Америкадаги фаолиятига қонуний чеклашлар йўли билан таъсир кўрсатиш хусусида бош қотирмоқдалар. АП агентлигининг таъкидлашича, ХОҚнинг 11 та бош ҳомийсидан 9 таси америка компанияларидир. Маблагнинг катта қисми айнан улар томонидан ажратилади.

АП хабарига кўра, олимпиада ишларида катта нуфузга эга бўлган сенатор Тед Стивенс агар олимпиада ҳаракати ўзини коррупциядан «тозаламаса» ХОҚга ва унинг ҳомийларига қарши санкциялар қўллаш тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқишга тайёр турибди.

«МАРХУМ» ДАН ВА ГАЗЕТХОНЛАРДАН УЗР

Россия Федерациясининг Челябинск шаҳридаги тахрирлардан бирига ғам-аламга ботган бир йилгит келиб, автомобиль ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмган дўстнинг яқинларига ҳамдардлик билдирмоқчи эканлигини айтади. Ҳақи тўлангач, газетада шаҳардаги металлургия комплекси корхоналаридан бирининг раҳбари вафот этганини хусусидаги некролог эълон қилинади.

Газетани ўқиб, ўз кўзларига ишонмаган «мархум» тахрирларга кўнгилроқ қилади. Энди кўз ёшларга ишонмайдиган тахрирлар ҳамма кунини навбатдаги сонда узр сўрашга мажбур бўлишди.



- Шахмат ақлини чарқлайди, дейишди-ю...
А.МАМАТКУЛОВ сурати.

• Латиғалар

Чўкаётган қиз даҳшат билан қичқирди:

- Қутқаринглр! Қутқаринглр! Йўқ, сиз эмас, анави қорамғиз йилгит қутқарсин.

- Трамвай тўхтамагунча, сакраманг.

- Мен касалхонага шошилламан.

- Э-э, ундай бўлса, марҳамат.

- Уйингиз жуда торми дейман?

- Ҳа, шумоқа. Буни қаердан билдингиз?

- Кучукангиз думини ёнига эмас, юқоридан паства қараб лиқиллатяпти.

- Официант! Бир стакан амброзий беринг.

- Лаббай?

- Амброзий нималигини билмайсизми?

- Йўқ.

- О, бу тангрилар ичимлиги...

- О, танграм! Уэр, танимай қолиман.

- Қабристон дарвозаси олдида турган велосипедни ўғирлашга қандай журят қилдингиз?

- Мен эгасини ўлган дебман.

Кичик шаҳардан келган хоним мехмонхона эгасига дейди:

- Агар мени вилоятдан келгани учун мана шу кичик ва тор ҳонада яшашга рози бўлади, деб ўйласангиз, адасасиз.

- Тинчланинг, хоним, жуда ошиқясиз. Бу лифт-ку!

Ж.ШАРОФБОВ тайёрлаган.



FAROYIB KASHFIETLAR

СОАТ-ТЕЛЕФОН

Жанубий Кореянинг «Самсунг Электроникс» фирмасида дунёда биринчи бўлиб қўл соат-телефони ишлаб чиқарилди.

Унинг оғирлиги 50 грамм бўлиб, узунлиги 67, эни 58 миллиметрдан иборат. Қалинлиги эса атиги 20 миллиметр. Ушбу мўъжаз аппарат қақирув тартибда 60 соатгача ишлайди ва 30 минут давомида тўхтовсиз гаплашиш имконини бериши ҳолда 30 дан ортқ бошқа вазифани бажаради. Махсус экранда эса бажарилаётган ишлар акс этади.

«Самсунг»нинг супер телефонлари ушбу ойдан бошлаб сотувга чиқарилади.

ЯПОНЛАР ҲАМ АНОЙИ ЭМАС

Япон соатсозлари ҳам корейлик ҳамкасбларини лол этадиган янги кашфиётларини намойиш этдилар. Улар тайёрлаган соат эса тана ҳарорати ёрдамида ишлайди. Уни қўлга тақсонгиз кифоя, ҳароратингизни «озуқасизга» айлантиришни соатнинг ўзи элайди.


Демак, бундай соатлар учун батареяка ёки механик дам бериш воситасига ҳолат йўқ.

ГАПИРУВЧИ СИГАРЕТ ҚУТИ

Чекишнинг олдини олиш борасидаги тadbирлар юзасидан АҚШга бас келиш қийин. Тиниб-тинчимас америкаликлар соғлиққа қони зиён бу ярамас одатга қарши курашишнинг турли йўллариини ўйлаб топишган. Ҳатто бу йўлда анча-мунча кашфиётларга ҳам қўл урилган.

Яқинда дўконларда сотувга чиқарилган сигарет қутисини ана шундай изланишларнинг махсули дейиш мумкин. Унинг бошқаларидан фарқи шундаки, қутини очиб сигарет олишингиз билан у «тильга» кирди. Яъни «Ўпкангизни осланг. Қўлингиздагини ташланг, фақат ахлоқ одамларинга чекади», дея сизни огоҳлантиради.

БошқотирМА



Бўйига: 1.Жиноят оқибати. 2.Буржлардан бири. 3.Парранда. 4.Европада ишлаб чиқариладиган автомобил русуми. 7.Ўрта Осиёдаги илк давлатлардан бири. 9. Иш кабинетлари учун қоғоз ташланадиган идиш. 13.Ёғду. 15.Шеърлий жанр. 16.Фарҳоднинг маҳбубаси. 17.Ийрик жинсий гуруҳ. 18.Ишлаб чиқариладиган махсулатга қўйиладиган асосий талаб. 21.Адир, тепалик. 23.Уят, уялиб қолиш. 25.Грёванд модда. 27.Баъзи хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи органи. 29.Дипломатик хужжат. 30. Андишасиз, уятсиз одамга бериладиган таъриф.

Энига: 5.Республикамиздаги матбаа корхонаси. 6.Ядровий қозилма бойлик. 8.Тўлқин тутиш аппарати. 10. Давлатлар иштирокида ташкил этилган Шимолий харбий иттифоқ. 11. Олмос, бриллиантлари билан дунёга машҳур Жанубий Африкадаги фирма. 12.Қуролланган жиний гуруҳ. 14.Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 17.Ҳажвий шеър. 19.Кичик Осиёнинг қадимий номи. 20.Соф, тоза. 22. 1998 йилнинг энг машҳур футболчиси. 24.Чўл ўсимлиги. 26.Меросхўр. 28.Атмосфера қатлами. 30.Пойтахтимидаги «Хилтон-Тошкент» мехмонхонасини бунёд этган француз фирмаси. 31.Яқинда Ўрта Ер денгизига йўл олган Россиянинг разведкачи корабли. 32.Чўпонлар ўйи. 33.Ярим ўтказич.

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1.«Адолат». 2.Сейкан. 8.Наша. 9.Арапат. 10.Киви. 13. Алдов. 14.Тори. 17.«Аврора». 18.Иморат. 19.Мечкай. 20.Бойсун. 24.Гувоҳ. 25.Опел. 28.Улоқ. 29.Милитк. 30.Корт. 31.Ҳ.Яил. 32.Самум.

Бўйига: 2.Дашт. 3.Террор. 4.Спарта. 5.Ақиқ. 6.Анкара. 7.Зиёфат. 11.Алфараганус. 12.Криминоген. 15.Урумчи. 16.Артист. 19.Маҳбус. 21.Нурота. 22.Солиқ. 23.Сория. 26.Пора. 27.Боку.

ЮРТДОШЛАРИНИ ЭСЛАБ

Фарғона вилоятининг Бойдоқ туманида Эркинжон Усмоновжаев номи жамоа ҳўжалиги бор. Ушбу ҳўжалик аъзолари эву юртта муносиб хизмат қилган мархум юртдошларини тез-тез ёдга олиб туриш мақсадида хотира турнирлари ўтказишни ақши йўлга қўйишган.

Наврўз байрами арафасида мазкур ҳўжаликни узоқ йиллар бошқарган меҳнат қаҳрамони Э. Усмоновжаев, меҳнат қаҳрамони С.Ҳайдаров ва тумандаги меҳнат қаҳрамонига узоқ йиллар директор бўлиб ишлаган М.Йингиталиевлар хотираси учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Турнирда турли ҳўжаликларнинг 15 та жамоаси иштирок этди. Мусобақа финалида ўзаро куч синашган «Чуринди» ва «Самандарак» жамоалари томошибилар оқишга сазовор бўлдилар. Ҳўйин 4:0 ҳисобида чуриндилликлар фойдасига ҳал бўлди. 1-3-ўринини эгаллаган жамоалар пуя мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ж.БОЛТАБОВ.

СОБИҚ ЧЕМПИОН ҲАҚИДА «ШУМ» ХАБАР

АҚШнинг Федерал қидирув бюроси ҳодимлари Ливингстон шаҳрига (Нью-Жерси штати) яқин уйлрдан бирининг ҳовлисидан собиқ Совет боксчиси, олимпия терма жамоасининг аъзоси Сергей Кобозев суяқларининг қолдиқларини топишди. Дастлабки ҳулоса шундай бўлса-да, аниқ тўхтама келиш учун ҳали борвақт.

Маълумки, Кобозев 1991 йилда Қўшма Штатларга қўчиб кетгач, теъза Америка бокс ассоциациясининг чемпионлигини қўлга киритганди.

Уни охириги марта 1995 йилнинг 8 ноябрида қўришган. Полициянинг дастлабки таҳминларига кўра у Бруклин борида уч нафар суя гангстерлари билан чиққан низо натижасида ўлдирилган.

Айни вақтда С.Кобозевнинг иши билан Федерал қидирув бюроси ҳамда Нью-Йорк полициясининг олаҳида тузилган «Шарқий Европа уюшган жиноятчилиги» гуруҳи шуғуллашмоқда.

(«Труд»дан таржима).

ЭЪЛОН

Бош ҳисоблаш маркази томонидан «Таъмир ЛТД» кичик корхонаси номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

Хуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪССИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхв Фуллов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати: Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул қотиб), Мэлс Намов, Орипқан Холматов, Лола Шомуртова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир уринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Қўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети

«Шарқ» наشريёт-матбаа концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нухсаси - 19096. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.

Навбатчи:

М.Боллеиева

123456

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топириши вақти: 20.00
Босмаҳонага топирилди: 18.00